


“Намунали солиқ тұловчи - иқтисодиёт таянчи” Очиқ мuloқот үтказилди

**“Намунали солиқ тұловчи - иқтисодиёт таянчи” мавзусида Очиқ мuloқот
үтказилди**




Бугун Музработ туманидаги 10-сонли Мусиқа ва санъат мактабида

Музработ туман солиқ инспексияси бошлиғи в.в.б **Мамедов Хамид**

**Алламуратович, вилоят Солиқ бошқармаси, солиқ маслаҳати бўлими
бошлиғи С.Раҳмонқуловлар иштирокида “Намунали солиқ тўловчи -
иқтисодиёт таянчи” мавзусида Очиқ мулоқот ўтказилди.**

Унда журналистлар, блогерлар ва бир гурух туманда фаолият олиб бораётган
тадбиркорлар иштирок этишди.



Бугун солиқ органлари ходимлари ўз фаолиятини мазкур тамойил асосида йўлга
қўйиб, солиқ тўловчиларнинг энг яқин кўмакчиси ва ишончли ҳамкорига
айланмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ИИ чорагида туманимизда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг ҳузурига борган ҳолда 91 та муаммолари ўрганилиб, ушбу муаммоларнинг 50 таси солиқ органлари ходимлари кўмагида ҳал этилди ва 41 та масала юзасидан тушунтиришлар берилди. Жумладан 25 нафар тадбиркорларга дастлабки бухгалтериясини юритишда кўмаклашилиб, 16 нафар тадбиркорларга автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш тартиблари тушунтирилди.

Солиқ тўловчиларда 2023-йил январ-июн ойлари давомида ўтказилган текширувдан олдинги таҳлиллар натижасида 141,8 млн.сўмлик тафовутлар аниқланди. Шундан, 114,5 млн. сўмлик тафовутлар ёки жами аниқланган тафовутларнинг 80,7 фоизи бартараф этилди.

2023-йилнинг ярим йиллика давлат бюджетига 32 млрд. 624,0 млн сўм маблағ, иккинчи чорагида эса давлат бюджетига 18 млрд. 522,0 млн сўм маблағ туширилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 118,7 фоизга ўсишга эришилди.

Жорий йилнинг ИИ чорак давомида 735 нафар фуқаролар ўзини ўзи банд қилиб, тумандаги жами ўзини ўзи банд қилган шахслар сони 9441 тага етди.

2023-йил 1-июл ҳолатига ЯТТлар 704 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 113 фоизга (84 та) ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларда олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида 113 та корхонадаги 157 нафар норасмий ишловчи фуқаролар фаолияти қонунийлаштирилди.

2023-йилнинг 1-мартига қадар 29 600 дан ортиқ жисмоний шахсларга жорий йил учун ҳисобланган мол-мулк ва ер солиқларини teng улушларда 15-апрел ва 15-октабрда тўлаш лозимлиги тўғрисида тўлов хабарномаси юборилиб, бугунги кунга қадар 16 376 нафар воҳадошларимиз томонидан 9 млрд 103,6 млн сўм миқдорида мол-мулк ва ер солиғи тўланди.

Эслатиб ўтамиз! Солиқ кодексининг 423- ва 440- моддалариiga мувофиқ, жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиғини 15 апрел ва 15 октабрга қадар teng улушларда тўлаши лозим.

